

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК МУАММОЛАРИ

Гафуржан Исраилович Мухамедов

Чирчиқ давлат педагогика институти

gafurjan.muxamedov@gmail.com

Баходир Худайберганович Эшчанов

Чирчиқ давлат педагогика институти

bakhodir.eshchanov@gmail.com

Дилфузада Мелиевна Махмудова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

dilfuzamahmudova@mail.ru

Жамшид Бахтиёрович Алимкулов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

jamshid12021988@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мақолада узлуксиз педагогик таълимни ривожлантириш тизимининг мақсади, вазифалари, тамойиллари ва стратегик йўналишлари баён қилинган. Шунингдек педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий-маданий аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқсан ҳолда замонавий талаблар, таълим тизимидағи муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим муассасалари ҳамда илмий-методик таъминот тизимидағи тарқоқлик педагогик таълимни кластер асосида ривожлантириш моделига ўтказиш заруратини тақозо этиши илмий асосланган.

Калит сўзлар: узлуксиз педагогик таълим, кластер, педагогик таълим инновацион кластери, инновацион кластер модели.

КИРИШ

Мамлакатимизда педагогик таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, фанларни ўқитиши методикасини такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиши борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, жумладан Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» ги, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги фармонлари, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бўлажак педагогларни тайёрлашнинг методик тизимини ривожлантириш, умумтаълим фанларини интеграциялаш, илфор ўқитиш методлари ва технологияларини тадбик этиш имкониятини янада кенгайтирмоқда.

Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш, замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносаб ҳисса қўшувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун профессионал педагог кадрлар етказиб бериш, соҳага илфор таълим технологияларини жорий қилиш ҳозирги куннинг муҳим вазифалари сифатида белгиланган.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда педагогик таълимни узвийлик ва узликсизлиги таъминлаш асосий омил бўлиб ҳисобланади. Педагогик таълимнинг узвийлик ва узликсизлиги таъминлашда замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларни ва ижтимоий самарадорликни ошириш имкониятларини инобатга оладиган механизм ишлаб чиқиш давр талабларидан бири ҳисобланади. Механизм педагогик таълимни янада ривожлантириши, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириши, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириши, мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошлангич синф ўқитувчилари, айниқса аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларини қондириши, туманлар ва қишлоқ жойларидағи таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаши ҳамда халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этишни янада такомиллаштириши лозим.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ҳозирги вақтда Республикаизда узлуксиз педагогик таълим тизими ўрта маҳсус педагогик таълим, олий педагогик таълим, олий таълимдан кейинги

таълим, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ва соҳада кўшимча таълимни ўз ичига олади.

Ўрта маҳсус маълумотга эга педагогларни тайёрлаш касб-хунар коллажлари томонидан амалга оширилади. Мутахассислар “Мактабгача таълим”, “Бошланғич таълим”, “Жисмоний маданият”, “Касбий таълим” йўналишлари бўйича тайёрланади.

Педагогика касб-хунар коллажлари ва олий таълим муассасалари мутахассисликлари ўзаро бир-бирига боғлиқ ва мувофиқдир. Олий педагогика институтларида педагогика касб – хунар коллажлари битирувчиларининг қисқартирилган дастурлар асосида тайёрлаш тизими йўлга қўйилган.

Олий таълим даражасида педагогик кадрлар тайёрлаш икки босқичли тизимида, яъни бакалавр ва магистр тайёрлаш орқали амалга оширилади.

Юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчилик орқали амалга оширилади. Олий таълимдан кейинги таълимнинг мақсади олий таълим муассасалари учун юқори малакали педагогик ва илмий кадрларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлашдан, шунингдек, республикадаги илмий-тадқиқот муассасалари, корхона ва ташкилотлар учун юқори малакали илмий ходимларни етказиб беришдан иборат.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Педагогик таълим тизимини ривожлантиришни асосий йўналишлари бўйича қатор ижобий натижалар қўлга киритилган. Хусусан, педагогик таълим классификаторлари такомиллаштирилиб, педагогик таълим мазмуни янгиланиб, таълим тизими мутахассисларининг касбий тайёрланиши бўйича таълимнинг ахборот муҳити ва илмий-методик таъминоти бойитиб борилмоқда.

Шу билан бирга, педагог тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш, таълимтарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини тадбиқ этиш, ёшларни ҳар томонлама интеллектуал, аҳлокий, эстетик ва жисмоний қобилияtlарини ривожлантириш борасида таълим муассасаларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш йўналишларида қатор долзарб масалалар мавжуд.

Узлуксиз педагогик таълимни ривожлантириш тизимининг мақсади, вазифалари ва тамойиллари

Узлуксиз педагогик таълимни ривожлантириш тизимининг мақсади – психологик-педагогик фанлар ва инновацион таълим амалиёти ютуқлари,

ижтимоий ҳамкорлик асосидаги таълим мутахассисларини тайёргарлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришдан иборат.

Узлуксиз педагогик таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

1. Таълим мутахассислари касбий компетентлигига доир ижтимоий ва иқтисодий талабларини ҳисобга олган ҳолда узлуксиз педагогик таълим мазмуни ва мақсадларини янгилаш.

2. Муаммоли тадқиқот, фаол, жамоавий таълим олиш стратегияси асосида таълим жараёни шакллари, методлари, технологияларини модернизация қилиш.

3. Ҳозирги замон психологик-педагогик фанлар, таълим амалиёти, узлуксизлик ва изчиллик тамойилларининг долзарб муаммоларини ҳисобга олган ҳолда юқори малакали илмий ходимларни тайёрлашни такомиллаштириш.

4. Психолого-педагогик илм ва самарали таълим амалиёти субъектлари таълим имкониятларини интеграллаш асосида педагогик таълим сифатини оширишга қаратилган ривожлантиришнинг кластер моделига ўтиш.

5. Ахборотлашган тизим шароитида узлуксиз педагогик таълим тизими воситаларини такомиллаштириш ҳамда педагогик касб мавқеини ошириш.

Узлуксиз педагогик таълим тизимини ривожлантириш сиёсатининг асосий тамойиллари:

узлуксиз педагогик таълимни ривожлантиришда республиканизнинг таълим тизими соҳасидаги хуқуқий меъёрларга амал қилиш;

ижтимоий-маданий соҳани қамраб олиш (узлуксиз педагогик таълимни жамият ривожининг барқарор манбаи сифатида амалга ошириш);

таълим муассасалари, давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ва ишлаб чиқариш корхоналари ижтимоий ҳамкорлиги;

рақобатбардошлик (битирувчиларини самарали касбий фаолиятга тайёрлашда назарий ва амалий билимлар ягоналигини таъминлаш);

оптималлаштириш (молиявий ҳаражатларни қисқартирган ҳолда узлуксиз педагогик таълим тизимида самарадорликни оширувчи жараёнларни қайта лойиҳалаш);

анъанавий усуллар ва инновациялар уйғунлиги (педагогик фан ва амалиёт ютуқлари) асосида узлуксиз педагогик таълим тизимидағи ўзгаришларни лойиҳалаш;

педагогик таълимнинг узлуксизлиги (педагогик карьера давомида касбий ривожланишни таъминловчи ўзаро мутаносиб ва табақалаштирилган турли погона ва даражадаги таълим дастурлари тизимини шакллантириш);

мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, олий педагогик таълим, олий таълимдан кейинги ҳамда қўшимча таълими изчиллигини таъминлашда психолого-педагогик тамойиллар ягона тизимига таяниш, таълим дастурларини ўзлаштиришда изчиллик ва кетма-кетликга риоя қилиш, ягона ахборот-таълим майдонини яратишдан иборат.

Узлуксиз педагогик таълимни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари

1. Таълим мутахассислари касбий компетентлигига доир ижтимоий ва иқтисодий талабларни ҳисобга олган ҳолда узлуксиз педагогик таълимнинг мазмун ва мақсадини янгилаш.

Педагогик касбнинг юқори ижтимоий-маданий бурчи ҳамда ҳозирги замон педагогик воқелиги шароитида касбий вазифаларни компетентлик асосида ҳал этиш таълим мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишда кенг дунёқарашиб, маънавий-ахлоқий фаолият яхлитликни тақозо этади. Таълим стандартларида бу яхлитлик бўлажак таълим мутахассисида уч гуруҳ компетенцияларни шакллантириш орқали таъминланади. Булар:

академик – ўқиши, билиш ва билим олиш кўнилмаларни ўз ичига олевчи;

ижтимоий-шахсий – маданий қадриятларга таянган ҳолда жамият ва давлатнинг ғоявий, ахлоқий қадриятларига доир билимлар ва уларга амал қилиш йўлларини ўрганишни ўз ичига олевчи;

касбий – танланган касбий фаолият соҳасида вазифа ечимини топиш, режа тузиш ҳамда улар ижросини таъминлаш лаёқатини ўз ичига олевчи компетенциялардир

Замонавий рақобатбардош таълим мутахассиси – бу ўзида фундаментал ва амалий тайёргарликни моҳирона мужассам этган, анъанвий ва янги касбий вазифаларни компетент бошқарувчи профессионалдир.

Замонавий педагог турли даражада ривожланган болалар ва уларнинг ота-оналари, жумладан: иқтидорли; етим ва бокувчисини йўқотган; ногирон ва алоҳида психологик ривожланишга эга; ижтимоий жиҳатдан ҳавфли шароитда қолган; алкоголь, наркотик, психотроп моддалар қабул қилишга мойил; хулқида оғишганлик қузатилган (девиант); киберқарамлилик болалар ҳамда уларнинг

оилалари, шу билан бир қаторда носоғлом оилалар билан ишлашни, инклузив таълим шароитида дадил фаолият юритишни, педагогик кўмак, медиация, тьюторлик технологияларига эга бўлишини тақозо этади.

Замонавий педагогга миллий-маданий анъаналарни ва шу асосда жамият аҳиллигини сақлаш каби ўзига хос алоҳида вазифалар юклатилган. Шунинг учун ҳам педагог ўзининг куч ва ғайратини нафақат таълим, балки тарбия жараёнига ҳам сарфламоғи лозим. Тарбия соҳасида қуйидаги компетенциялар муҳим саналади:

- глобаллашган замонда болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашга тайёргарлик;
- ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларни ташкил этиш (волонтёрлик фаолияти, ҳайрия акциялари ва бошқалар);
- ўқувчилар орасида соғлом ғояни тарғиб қилиш тажрибасига эга бўлиш;
- соғлом ҳаёт тарзи, зарарли одатлар, тажовузкорликни аянчли оқибатларни олдини олиш бўйича кўникмаларни ривожлантириш.

Таълим мутахассисларини тайёрлаш ўқувчиларда барча компетенциялар уйғунлигига билим ва кўникмаларни шакллантирувчи восита, шахсий, ижтимоий, касбий характердаги масалаларни ҳал қилиш, кўп қиррали қобилият каби характерларни интеграллашган натижавий ютуқларини таъминлаши зарур.

Замонавий педагогик таълим мазмуни очиқ ва доимий ривожланишда бўлиши, бўлажак педагогларда самарали педагогик фаолиятни амалга оширишга қаратилган ижобий муҳит яратиши, мустақил таълим ва тарбияга қизиқиш рағбатини уйғотиши, вариатив ва инвариант компонентларни қамраб олиши, педагогик тизим ва фаолият генезисини акс эттириши, шахс ва жамиятнинг истиқбол талабларига мослашиши, умумбашарий билимларнинг фанлараро хусусиятларини акс эттира олиши, узлуксиз педагог таълим муҳитида ўз ўрнини топа олиши лозим.

2. Таълим жараёни шакллари, усуллари, технологияларини муаммоли-таадқиқотчилик, фаол, жамоавий таълим стратегиялари асосида модернизациялаш.

Педагогик таълим мазмунини муаммоли-фаолият асосида режалаштириш таълим жараёнини ташкил этишнинг шакл ва усулларини янгилашни тақозо этади. Бунда таълим парадигмасидан таълимот парадигмасига ўтиш лозимлиги ўз-ўзидан аёнлашади. Бу ўқув режаларида ўқувчиларнинг аудитория, аудиториядан ташқари ва мустақил ишлашини қайта қўриб чиқиши, шунингдек,

ўқитувчиларнинг ўқувчилик фоалиятини самарали усуллар билан кузатиш ва назорат қилиб бориш тизимига ўтишни талаб қиласди.

Ахборот жамияти даврида маърузалар олиб боришининг монологик шаклларидан интерактив шаклларига ўтиш лозим. Таълим олаётганларни ўқитилаётган фанни ўзлаштиришда индивидуал ва гурӯҳ лойиҳалари доирасида мустақил таълим-тадқиқотчилик фоалиятига жалб қилиш ва бунда касбий фоалият рефлексив асосларини шакллантириш муҳим ҳисобланади. Мунозара шаклидаги семинар машғулотларида амалга оширилган ишнинг назарий-методологик асосларини, амалий машғулотларда эса турли ҳолатий ўйинлар, кейсларни ечиш, кичик гурӯҳларда ишлаш ва ҳ.к. орқали амалий жиҳатларини, таълим муассасаси базасида турли шаклларда олиб бориладиган лаборатория машғулотларида эса касбий фоалиятнинг аниқ қўникмаларини амалда синаб кўришлари лозим.

Ўзлаштирилиши шарт бўлган аҳамиятли обьектлардан бири мустақил таълим қўникмаларини эгаллашdir, яъни ҳодисаларни кузатиш, ўкув тажрибаси ўтказиш, моделлаштириш, матнлар устида ишлаш, масалаларни ечиш ва ҳ.к. Таълим оловчиларни тадқиқот ва инновацион фоалиятга жалб қилиш қўйидагиларни талаб этади:

- таълим амалиётининг реал жараёнларини ўрганиш;
- уларни тавсифлаш ва тушунтириб бериш;
- тадқиқ этиладиган ва инновацион муаммоларни аниқлаш;
- ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг усул ва воситаларини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш;
- таклиф этилаётган усул ва воситаларнинг самарадорлигини баҳолаш;
- киритилаётган янгиликни асослаш ва тарқатиш.

Педагогик таълим инновацион кластерининг барча субъектлари учун аҳамиятли ҳисобланган қоидалардан бири талабалар ўкув ва илмий-тадқиқот фоалиятини узлуксиз педагогик амалиёт жараёни билан боғлиқ ҳолда ташкил этишdir.

Педагогик амалиёт тубдан янгиланиши керак. У биринчи курсдан бошланиши ва олий таълим муассасасидаги бутун ўқиш давомида узлуксиз, самарадор характерга эга бўлиши лозим. Бунда талабалар нафақат таълим муассасаларига ташриф буюриши ва қузатувчи сифатида дарсларда ёки тарбиявий тадбирларда қатнашиши, балки педагогик амалиёт учун база бўлиб хизмат қилаётган мактаб, мактабгача таълим ва бошқа таълим-тарбия

муассасаларининг амалдаги ўқув ва тарбиявий ишларига бевосита иштирок этиши зарур.

Бўлажак педагогларни касбий фаолият муҳитига олиб киришнинг илк самарали механизмларидан бири волонтёрлик ҳисобланади. Таълим муассасаларидағи волонтёрлик фаолияти педагогик амалиётнинг шаклларидан бири сифатида қаралиши керак.

Мактабгача, маҳсус, умумий ўрта таълим муассасаларида, бошқа таълим муассасаларида институтнинг профессор-ўқитувчилари, мактаб ўқитувчилари, талабалар, ўқувчилар ва тарбияланувчилар иштирокидаги кафедра филиалларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Педагогик амалиётнинг самарадорлиги талабалар илмий-тадқиқот лабораториялари фаолиятининг мактаб катта синф ўқувчиларини жалб этган ҳолдаги фаоллашиши, "Ёш тадқиқотчилар мактаби" тармоқларини кенгайтириш ҳисобига сезиларли даражада ошиши мумкин.

Ёш педагогларнинг замонавий таълим ва тарбия технологияларини ўзлаштиришига кўмаклашиш мақсадида психолого-педагогик ва методик кафедраларнинг илмий ва методик потенциалининг интеграциясини таъминлайдиган педагогик маҳорат мактаблари, ўқув-илмий-маслаҳат марказларини тузиш зарур.

Ўқув жараёнининг педагогик касбий компетентликнинг шаклланишига йўналтирилганлиги унинг педагогик фаолиятнинг юқори натижаларига эришишга диққатни жалб қилишни тақозо этади (фан олимпиадалари масалаларини ечиш, турли шаклдаги дарсларни ўtkазиш, ўқувчилар эвристик ва ижодий фаолиятини ташкил этиш ва х.к.) Бунга яқиндан кўмак бериши мумкин бўлган ишлар қуидагилардан иборат:

- педагогик лабораториялардаги таълим ва микротаълим;
- ўқув вазиятларини моделлаштириш;
- педагогик фаолиятнинг инновацион тажрибасини тўплаш;
- намуна ва мисоллар воситасида педагогик назариядан реал педагогик фаолиятга ўтишни оптималлаштирадиган "ҳаётий воқеалар"дан фойдаланиш;
- талабаларни рефлексив амалиётга жалб қилиш.

Ахборот жамиятида мактабгача, умумий ўрта, маҳсус таълим муассасаларида ўқув жараёнини янгилашнинг устувор йўналиши ахборот-коммуникация воситаларидан кенг фойдаланишdir. Шунинг учун ҳам маърузалар, семинарлар, лаборатория ишлари, талабаларнинг мустақил

ишиларини ташкил этишда ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланишга тизимли равишда ўтиш жуда муҳимdir.

Таълимнинг замонавий воситалари базасида (планшетлар, интерактив доскалар, тармоқ технологиялари ва бошқ.) педагогик йўналтирилган методик таъминотни (электрон дарслеклар, ўқув қўлланмалари, ўқув-методик мажмуалар, тренажерлар) амалга ошириш керак. Бунда ишлаб чиқилаётган ахборот-таълимий ресурслар институт ва педагогик коллекларнинг ягона таълим муҳитини пайдо қилиш учун уларнинг очиқлиги, тез ва қулай шаклда олиш мумкинлиги ва диверсификациясини ("булутли" ва смарт-тузилма) таъминлаш муҳимdir.

Таълим жараёнини такомиллаштиришнинг энг муҳим тамойилларидан бири унинг тарбиявий ва ривожлантирувчи эканлиги, таълим фаолияти субъекти потенциалига қаратилганлиги, унинг индивидуаллиги ва ўз-ўзини намоён эта олишига асосланганлигидир. Тарбиявий таълим бўлажак педагогда фуқаролик позициясини, юксак ахлоқ, касбий бурч ва масъулият, педагогик такт ва ўзига ҳамда бўлажак касбий фаолиятига талабчанликни оширади, мақсадга эришишдаги қатъиятлиликни шакллантиради. Тарбиявий таълимнинг тизимли самараси ўлароқ педагогнинг маданият субъекти, жумладан, касбий-педагогик маданият субъекти сифатида шаклланиши, энг юксак инсоний фазилатлар эгаси бўлиши учун замин ҳозирлаши ҳисобланади.

3. Юқори малакали илмий ходимлар тайёрлаши сифатини, замонавий психолого-педагогик фан ва таълим амалиёти, узлуксизлик ва узвийлик тамойиллари билан боғлиқ долзарб муаммоларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириши.

Юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш тизимли равишда амалга оширилмоғи лозим. Бу тайёргарликнинг самарадорлиги қуйидаги шароитлардан келиб чиқиб таъминланади: илмий-тадқиқий ишларни юксак даражада такомиллаштириш; бакалавр ва магистрларнинг ўқув-тадқиқот ва илмий-тадқиқот ишиларини ташкил этиш; таянч докторант ва докторант тайёрлашнинг самарадорлигини аниқ мониторинги ва сифати назорати; талабга мос бошқарув тизимини таркибий структурасини шакллантириш.

Юқори малакали илмий ходимларни тайёрлашни ташкил этишда қуйидаги концептуал ҳолатларга таяниш зарур бўлади:

-педагог-тадқиқотчи тайёрлаш тадқиқот ва тажриба-синов фаолиятини амалга оширишнинг юксак даражали компетентликни таъминлашга қаратилиши лозим;

-тадқиқотчи тайёрлашнинг асоси сифатида тадқиқот фаолияти сифати ва самарадорлигини юзага келтирувчи меъёrlар (аксиологик, гносеологик, таълимий, бошқарув)ни ўзида мужассамлаштирган педагог омилининг илмий-тадқиқот маданияти шаклланиши лозим;

-илмий тадқиқот фаолиятининг муваффақияти ва самараси педагог олимнинг илмий тадқиқотларининг бош мавзуси (муаммо асоси)га биноан таълимдаги долзарб психологик-педагогик муаммолар ечимиға йўналтирилиши лозим;

-илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этишнинг кластер ёндашуви илмий педагогик муаммоларни ҳал этиш ва педагогик кадрлар тайёрлашни ташкил этишнинг олий таълим муассасаларо ва фанлараро ҳамкорликнинг ўта мақбул шакли сифатида амалга оширилиши лози.

Юқори малакали илмий ходимлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратишда қуйидаги мантиқий изчиллик самарали хисобланади: мактаб – касбхунар коллежи – институт – магистратура – докторантурा.

Ўрта умумтаълим муассасалари билан биргаликда танлов, анжуман ва олимпиадалар ўtkазиш, касбга йўналтириш ишларини амалга ошириш орқали ўзаро ҳамкорлик харакатларини фаоллаштириш зарур. Бу нафақат тадқиқот йўналишини кенгайтиради, балки илмий-тадқиқот фаолиятига лаёқатли иқтидорли педагог ходимларни, бўлажак магистр ва докторантларни топиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантиришда ёрдам беради.

Юқори малакали илмий ходимлар тайёрлашнинг тармоқ дастури доирасида ўзида қуйидагиларни ифодалаган қўшимча дастурларни хисобга олиш керак:

- тайёргарликни режалаштириш;
- докторантларнинг илмий-тадқиқот ва ўқув фаолиятини таъминлаш;
- институтнинг илмий ходимлар тайёрлаш соҳасидаги илмий-методик фаолияти;
- докторантлар фаолиятининг доимий назорати ва аттестацияси;
- докторантлар илмий-тадқиқот ишини рағбатлантириш тизими;
- юқори малакали илмий ходимлар тайёрлаш соҳасида ҳалкаро ҳамкорлик.

Юқори малакали илмий ходимлар тайёрлаш сифатини оширишнинг устувор йўналишларига қуйидагилар киради:

-турли фан соҳалари вакилларининг самарали ҳамкорлигига имкон берадиган фанлараро узвийлик;

-тадқиқот доирасига мос ва уни амалга оширишдаги узвийликни таъминлашни ташкил этиш (ўқувчилар-талабалар ва магистрлар-аспирантлар-докторантлар);

-ахборот-компьютер таъминоти даражасини кўтариш;

-кафедралар базасида талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб қилиш мақсадида илмий лабораториялар яратиш.

4. Узлуксиз педагогик таълимни ривожлантириша инновацион кластер моделига ўтиш.

Педагогик таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий-маданий аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқсан ҳолда замонавий талаблар, таълим тизимидағи муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим муассасалари ҳамда илмий-методик таъминот тизимидағи тарқоқлик педагогик таълимни кластер асосида ривожлантириш моделига ўтказиш заруратини тақозо этади.

Педагогик таълим ривожлантириши инновацион кластер модели, кластерларни касбий тайёргарлик, педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда ягона бир тизим сифатида фойдаланишини назарда тутади.

Педагогик таълим инновацион кластери - бу олий таълим муассасалари, педагогик йўналишдаги ёндош муассасалар, педагогик касб-хунар коллежлар, таълим муассасаларидағи экспериментал ва инновацион майдончалар, инновацион илмий-тадқиқот ва узлуксиз педагогик амалиёт базалари, қўшимча таълим муассасалари, илмий ва илмий-методик тузилмаларнинг бир бутунлиги бўлиб, уларнинг биргаликдаги ўзаро тақсимланган фаолиятини, педагогик-психологик фан ва самарали таълим амалиёти потенциалини педагогик таълим тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш мақсадида интеграциялаш имконини беради.

Бинобарин, кластернинг асосий мақсади ўз таркибида кирувчи ўқув, илмий-инновацион потенциални нафақат юқори фуқаролик, маданият ва касбий лаёқатлилик даражаси билан, балки рақобатбардошлиги, янгиликларни қабул қила олиш қобилияти, янги таълим дастур ва технологияларини лойиҳалаш ва амалга ошира олиш қобилиятига эга замонавий педагогларни тайёрлаш учун бирлаштиришdir.

Педагогик таълим инновацион кластери фаолиятининг асосий мақсади ўз таркибида кирувчи тузилмалар ўқув, илмий ва инновацион потенциалини қўйидаги мақсадлар учун интеграциялашдир:

педагогик мутахассисликлар тайёрлашда малакали педагогларни самарали ворислигини таъминлаш ва энг яхши ўқувчиларни педагог касбига тарғиб қилиш;

педагогларнинг касбий тайёргарлигини амалиётга таянган ҳолда ва манфаатдор субъектлар билан тезкор алоқани таъминлаган ҳолда олиб бориш;

бўлажак таълим мутахассисларини инновацион тажрибага эга бўлган амалиётлар базасида тайёрлаш муҳитини яратиш;

ёш мутахассисларнинг касбий қўнималарни эгаллаш даврини қисқартириш.

Педагогик таълим инновацион кластери иштирокчилари сифатида қўйидагилар қатнашиши мумкин:

-талабалар, магистрлар ва докторантлар педагогик амалиёт ўтайдиган, таълим, илмий тадқиқот, инновацион ва лойиҳалаштириш фаолиятини олиб борадиган ўқув ва тажриба экспериментал база вазифасини ўтайдиган мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, олий таълим муассасалари;

-таълимнинг турли даражаларида янгиланишларга мувофиқ равища қўшимча таълими тизими муассасалари, болалар ва ўсмирларнинг мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус касб-хунар таълими педагогик кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасалари;

-илмий тадқиқот фаолияти билан шуғуланаётган ва уни белгилайдиган илмий ва илмий-методик тузилмалар, марказлар, таълимнинг барча босқичлари учун мослаштирилган янги кўринишдаги таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-методик таъминот билан инновациялар алмашинувини йўлга қўйган ташкилотлар;

-педагогик ҳамжамиятнинг маънавий ва интеллектуал майдонини яратувчи ташаббускор жамоалар, бирлашма ва ташкилотлар.

Кластер тегишли субъектлар келишуви ва шартномаси асосида тузилади. Бунда кластер лойиҳалари ва ташабbusларининг амалга оширилиши бўйича кластер ва унинг иштирокчилари фаолиятини йўналтиришни ишлаб чиқиши мақсадида кластер субъектлари ходимлари таркибидан Мувофиқлаштирувчи Кенгаш шакллантирилади. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Тошкент вилояти ҳокими томонидан тасдиқланади.

Кластер ижтимоий ҳамкорлик асосида вилоятнинг педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни шакллантиришдаги иштирокчи бўлган таълим бошқармалари билан ҳамкорликни амалга оширади.

Педагогик таълим инновацион кластери бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш унинг фаолиятини методологик, илмий-тадқиқот ва инновацион нуқтаи назарда амалга оширган ҳолда тартибга солади. Унинг асосий вазифалари га куйидагилар киради:

1. Педагогик таълимни ривожлантиришга қаратилган стратегик йўналишлар ва методологик ёндашувларни ишлаб чиқаради;
2. Таълим соҳасидаги, жумладан педагог таълим соҳасидаги мавжуд муаммолар ва психологик-педагогик тадқиқотларнинг етакчи мавзуларини белгилайди;
3. Педагогик таълим соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини бошқаради;
4. Педагогика фанлари бўйича тадқиқотларни амалга ошираётган магистр, докторант ва мустақил тадқиқотчилар учун вилоят миқиёсидаги методологик семинарларни доимий ўtkазиб боради;
5. Мавжуд илмий мактаблар ва педагогик таълим соҳасидаги, ўкув соҳасидаги инновацион тажрибалар тўғрисида маълумотлар базасини яратади.

Педагогик таълим инновацион кластери касбий тайёргарлик, педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг бутунлай янгиланган илмий, таълим муҳитини яратади ва унда:

интеллектуал имкониятлар узлуксиз педагогик таълимни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари доирасида мужассамлаштирилади;

ўкув қобилиятларини ривожлантириш ва илмий педагогик тажрибанинг самарали тадбиқи учун таълим муассасаларини узвий ҳамкорлигига эришилади;

маҳаллий меҳнат бозорлари учун зарур бўлган педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш соҳасидаги ижмитой шериклик амалга оширилади;

юксак малакали педагогик кадрларни саралаш ва тайёрлаш бўйича самарали изчиллик таъминланади;

педагогик кадрлар касбий тайёргарлигининг амалий йўналтирилганлиги кучайтирилади;

бўлажак педагог илғор касбий педагогик тараққиётининг таълим муҳитига қўшилади;

ёш мутахассисларнинг касбий мосланувчанлиги даври қисқартирилади.

5. Ахборотлашган жамият шароитида узлуксиз педагогик таълимни ресурслар билан таъминлашни такомиллаштириши ва педагог касбининг мавқеини ошириши.

Узлуксиз педагогик таълимни ривожлантиришнинг муҳим шарти - таълим мутахассисларини сифатли тайёрлаш учун барча турдаги ресурсларни такомиллаштиришdir.

Меъёрий-хуқуқий таъминотни такомиллаштиришнинг етакчи йўналишлари қўйидагилардан иборат: узлуксиз педагогик таълимни ривожлантириш, масофавий таълим ва тьюторлик фаолияти учун кластерли моделни амалга ошириш учун меъёрий базани яратиш ва педагогик таълим субъектларига консалтинг хизматларини кўрсатиш.

Илмий ва услубий таъминотни такомиллаштириш педагогик таълим, таълим стандартлари талабларини бажариш ва амалга ошириш, педагогик таълим бўғинлари ва даражаларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, битирувчиларни ўқитувчилар касбий стандартлари асосида ўқитишга бўлган талабларни мувофиқлаштириш билан боғлик.

Узлуксиз педагогик таълимнинг *ахборот таъминотини* ривожлантириш стратегияси инновацион таълим технологияларининг асослари ҳисобланган телекоммуникация (тармоқ, Интернет) тизимлари бўлган юқори авлод интернет тармоқларига (маъruzalарни мултимедиали қўллаб-қувватлаш, масофавий ўқитиши технологиялари асосида) босқичма-босқич ўтиш зарурлигини назарда тутади. Масофавий таълим потенциалидан янада самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик таълимнинг кадрлар таъминотини такомиллаштириш қўйидагилар билан боғлик:

1) жамиятнинг замонавий талабларини ва таълим тизимини ҳисобга олган ҳолда мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини оптималлаштириш билан, педагогик таълимнинг барча босқичларида ва даражаларида профессионал малака ошириш муддатини қисқартириш ва инновацион режимда ишлашга тайёргарликни таъминлаш учун илғор шахсий профессионал ривожланиш муҳитини яратиш керак;

2) Олий ўқув юртлари учун юқори малакали илмий ходимларни (PhD, DSc) ўз вақтида ва юқори сифатли тайёрлаш билан бирга илмий ва маърифий фаолият соҳасида иқтидорли ёшларни танлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш, магистратура ва докторантурода илмий ва педагогик ходимларни тайёрлашнинг мазмуни, шаклларини ва услубларини узлуксизлигини таъминлаш хамда самарали докторлик дастурларини тузиш.

Узлуксиз педагогик таълим тизимини моддий-техника таъминотини ривожлантиришнинг асосий йўналиши – мактабгача, маҳсус, умумий ўрта, ўрта

махсус, олий ва қўшимча педагогик таълим муассасаларининг ўкувлаборатория базаларини, уларнинг ижтимоий-маданий инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобланади.

Молиявий таъминотни такомиллаштиришда қўйидагилар кўзда тутилади:

педагогик таълимни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштиришда бизнес ҳамкорликка жалб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш;

қўшимча таълим консултацион маслаҳат, спорт, кўнгилочар ва бошқа таълимнинг пуллик хизматларни ташкил этишни тақозо этувчи бозор муносабатларига асосланган бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишга қаратилган кўп тармоқли механизмларни ривожлантириш;

педагогик кадрларни тайёрлаш учун халқаро ташкилотлар, грантлар, банклар, инвестиция фонdlарини жалб этиш.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Узлуксиз педагогик таълимни ривожлантириш тизимининг ижтимоий-иктисодий самарадорлиги сифатида қўйидаги кўрсаткичларни келтириш мумкин:

-мутахассисларнинг қасбий компетентлигига минтақанинг ижтимоий ва иктисодий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда қўйилган талаблардан келиб чиқиб узлуксиз педагогик таълимнинг мақсад ва мазмунини янгиланганлиги;

-таълим жараёни шакллари, методлари, технологияларини муаммолитадқиқотчилик, фаол, жамоавий таълим стратегиялари асосида модернизацияланганлиги;

-замонавий психологик-педагогик фан ва таълим амалиёти муаммоларини, узлуксизлик ва ворисийлик тамойилларини ҳисобга олган ҳолда олий тоифали илмий ходимлар тайёрлашни такомиллаштирилганлиги;

-узлуксиз педагогик таълимнинг ривожлантиришда инновацион кластер моделига ўтиши;

-ахборот жамияти шароитида узлуксиз педагогик таълим миллий тизими ресурсларини таъминотини такомиллаштириш ва педагогик қасб нуфузини ошириш;

-замонавий педагогнинг ижобий образини шакллантириш.

Албатта ҳар бир ишнинг якуний маҳсули бўлгани каби узлуксиз педагогик таълимни ривожлантириш тизимидан кутилётган асосий натижалар қўйидагилардан иборат:

- педагогик таълимнинг мақбул инфратузилмаси яратилади;

- педагог касбий маҳоратининг янги сифат даражасини таъминлайдиган педагогнинг касбий стандарти ва янги авлод таълим стандартлари ишлаб чиқилади;

- ўқитувчининг илғор касбий ривожланишида ахборот ва таълим мухитини таъминловчи инновцион таълим технологиялари тизими йўлга қўйилади;

-таълим субъектлари ва жамоатчиликни қониқтирадиган таълим мутахассисларининг компетентлик даражаси аниқлаб олинади;

- узлуксиз педагогик таълим тизимини юқори халқаро рейтингига эришилади;

- узлуксиз педагогик таълим юқори малакали кадрлар билан таъминланади;

- ўқитувчи касбининг юксак ижтимоий мавқеига ҳамда тайёрларгикка эга талабалар сонининг ортишига эришилади;

- хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ўқув - илмий алоқаларни кенгайтириш имкония ратилади;

-ёш педагогларнинг касбий мослашув даврини қисқаришга эришилади;

- педагог малакасини оширишнинг янада ривожланган тизими ишлаб чиқилади;

- қўшимча таълимнинг халқаро даражадаги интенсивлигига эришилади;

- тижоратга йўналтирилган рақобатбардош илмий ва таълим маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

REFERENCES

1. Eshchanov B.Kh., Arzikulov Z.K., Using Information Technology in the Teaching of Atomic Physics and maths in Higher Educational Institutions International Journal Of Scientific & Technology Research Volume 9, Issue 02, February 2020. – pp. 6319- 6323. <http://www.ijstr.org/final-print/feb2020/Using-Information-Technology-In-The-Teaching-Of-Atomic-Physics-and-maths-In-Higher-Educational-Institutions.pdf>
2. Eshchanov B.Kh., Gaipov Dj.N., Egamberganov I.Sh. Using Distance Learning in Collaboration with Social Networks in Teaching Photonics and Optoinformatics. International Journal Of Scientific & Technology Research Volume 9, Issue 02, February 2020. – pp. 3811- 3815. <http://www.ijstr.org/final-print/feb2020/Using-Distance-Learning-In-Collaboration-With-Social-Networks-In-Teaching-Photonics-And-Optoinformatics.pdf>

3. Eshchanov B.Kh., Matyakubov K.K. Using of Information and Communication Technologies in the Teaching of the School Course in General Physics and maths. International Journal of Scientific & Technology Research. Volume 9, Issue 02, February 2020. – pp.4119-4124. <http://www.ijstr.org/final-print/feb2020/Using-Of-Information-And-Communication-Technologies-In-The-Teaching-Of-The-School-Course-In-General-Physics-and-maths.pdf>.
4. Makhmudova D.M. Electronic educational resources as a new component of a traditional educational process // Academia Open Vol 1 No 1 (2019): June Education <https://press.umsida.ac.id/index.php/acopen/article/view/12/15>
5. Махмудова Д.М. Муаммоли математик масалалар ёрдамида талабаларда креатив фаолиятни ривожлантириш методикаси. Монография. –Т.: Университет, 2020. – 134 б.